

ЎЗБЕКИСТОН ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА МЕНЕЖМЕНТНИ МОДЕЛЛАШТИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АМАЛДАГИ ҲОЛАТИ

Нурхонов Комилжон Товқараевич

Ўзбекистон Республикаси банк-молия академияси магистранти

Аннотация. Бозор иқтисодиёти шароитида кредит ташкилотларининг фаолияти ўзига хос бошқарувни талаб этади. Банкларнинг олдида қўйган масадлари амалга ошириш ва вазифаларини бажариш бошқарувнинг аҳамияти ошади. Банклар фаолиятини бошқариш режаслаштириш, ташкил қилиш, тартибга солиш ва назорат қилиш кабилардан иборат бўлиб, улар банклар фаолиятининг самарадорлигини ва рақобатбардошлигини таъминлашга хизмат қилади.

Калит сўзлар: кредит ташкилотлари, тижорат банки, банк менежменти, рақобатбардошлик.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли Фармони билан тасдиқланган 2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясида кредитлашни фақат бозор шартлари асосида амалга ошириш, банкларнинг давлат ресурсларига қарамлигини пасайтириш, кредит портфели ва таваккалчиликларни бошқариш сифатини яхшилаш, кредитлаш ҳажмларининг мўътадил ўсишига амал қилиш, мувозанатлашган макроиқтисодий сиёсат юритиш, корпоратив бошқарувни такомиллаштириш ва халқаро амалий тажрибага эга бўлган менежерларни жалб қилиш, молиявий таваккалчиликларни баҳолаш учун технологик ечимларни татбиқ этиш, давлат улуши мавжуд тижорат банкларини комплекс трансформация қилиш, банклардаги давлат акциялари пакетини зарур тажриба ва билимга эга бўлган

инвесторларга танлов асосида сотиш мамлакат банк тизимини ислох қилишнинг устувор йўналишлари сифатида белгиланган¹. Бу эса, тижорат банкларида менежментни такомиллаштириш заруриятини юзага келтиради. Биз Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки мисолида кредит портфелини бошқариш жараёнини моделлаштиришни кўриб чиқамиз. Кўп омилли эконометрик моделга қуйидаги омиллар танлаб олинди: *натижавий омил - Миллий банк брутто кредитлари, млрд. сўм - ($\ln Y$); *таъсир этувчи омиллар:

Миллий банк кредитларининг ўртача фоиз ставкаси, % ($\ln X_1$); Миллий банк депозитлари, млрд. сўм, ($\ln X_2$); Миллий банк капитали, млрд. сўм, ($\ln X_3$); бошқа банклардан жалб қилинган кредитлар, млрд. сўм, ($\ln X_4$); Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси, %, ($\ln X_5$); инфляциянинг йиллик даражаси, %, ($\ln X_6$). Дастлаб Миллий банкнинг брутто кредитлари ва унга таъсир этувчи омиллар бўйича тавсифий статистика натижаларини аниқлаймиз. Миллий банкнинг брутто кредитлари ва унга таъсир этувчи омиллар бўйича тавсифий статистикаси натижалари кўрсатдики, ҳар бир омилнинг ўртача қиймати (mean), медианаси (median), максимал ва минимал қийматлари (maximum, minimum) қийматлари мавжуд. Ҳар бир омилнинг стандарт четланиши (std. dev. (Standart Devation) - стандарт четланиш коэффициентлари ҳар бир ўзгарувчиларнинг ўртача қийматдан қанчалик четланганлигини кўрсатади [9]. Омилларнинг нормал тақсимот қонунига бўйсунганини текшириш натижаси кўрсатдики, барча омиллар нормал тақсимот қонунига бўйсунгани ва $\ln Y$, $\ln X_2$ ва $\ln X_4$ омилларнинг эксцесс қийматлари манфий бўлганлиги сабабли, уларнинг графиги ўнг томонга силжиганини, $\ln X_1$, $\ln X_3$, $\ln X_5$ ва $\ln X_6$ омилларининг асимметрия коэффициентлари қиймати мусбат бўлгани учун уларнинг тақсимот функцияси графиги чап томонга силжиганлигини кўрдик. Натижавий омилни ($\ln Y$) нормал тақсимот қонунига бўйсунганини текшириш учун Жак-Бера

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислох қилиш стратегияси тўғрисида”ги фармони//КХММБ:06/205992/0581-сон. 13.05.2020 й
www.pedagoglar.org

мезонидан фойдаландик Мазкур мезон статистик мезон бўлиб, кузатувлар хатоларини нормал тақсимот моментлари билан учинчи момент (асимметрия) ва тўртинчи моментини (эксцесс) нормал тақсимотга текширади ва $S=0$ ва $K=3$. Энди биз ГИФ Миллий банкнинг брутто кредитларига таъсир этувчи омиллар ўртасида корреляцион таҳлилни ўтказамиз ва омиллар ўртасида хусусий ва жуфт корреляция коэффицентларини аниқлаймиз.

1-жадвал

ГИФ Миллий банк маълумотлари бўйича омиллар ўртасида хусусий ва жуфт корреляция коэффицентлари матрицаси

Probability	LN Y	LN X_1	LN X_2	LN X_3	LN X_4	LN X_5	LN X_6
LN Y	1.000000						
LN X_1	0.888802	1.000000					
	9.888936						
	0.0000						
LN X_2	0.953775	0.663427	1.000000				
	45.48498	2.017165					
	0.0000	0.0640					
LN X_3	0.867929	0.578047	0.569630	1.000000			
	19.64574	1.355250	0.21527				
	0.0000	0.0324	0.1345				
LN X_4	0.891143	0.561623	0.584692	0.530697	1.000000		
	38.05599	1.656191	2.00586	0.4921			
	0.0000	0.1107	0.0540	0.1307			
LN X_5	0.924370	0.580670	0.612820	0.483569	0.628281	1.000000	
	12.35494	2.479156	1.39794	0.620573	1.01808		
	0.0000	0.0441	0.0812	0.1254	0.1203		
LN X_6	0.811897	0.339861	0.610800	0.558073	0.630227	0.438889	1.000000
	11.32936	0.889568	1.24911	0.520147	1.03495	1.10797	
	0.0000	0.0647	0.0712	0.0982	0.1255	0.0684	

1-жадвал маълумотларидан кўринадики, хусусий корреляция коэффицентлари - бу натижавий омил (LN Y) ва унга таъсир этувчи омиллар ўртасидаги боғланишлар зичлигини кўрсатди.